



КУН РАҚАМИ

Қозоғистоннинг рақамли ҳукумати – дунё рейтингининг 24-поғонасида. Электрон ҳукумат тизими фуқаролар учун давлат хизматларини қулай, тез ва шаффоф тарзда тақдим этиш имконини бермоқда.



TURKISTAN
janubiy.kz

Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 9 октябрь, пайшанба, №108 (3609).

»» Президент

Туркий давлатлар ҳамжиҳатлиги йўлида: Қабалада навбатдаги тарихий саммит

Kazinform. Озарбайжоннинг Қабала шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг XII саммити ўтди. Унда Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев нутқ сўзлаб, туркий мамлакатлар ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш ва замонавий таҳдидларга биргаликда жавоб бериш заруратини таъкидлади.

Дастлаб давлат раҳбари самимий меҳмондўстлик учун Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевга миннатдорчилик билдирди ҳамда йиғилишнинг аҳамияти ва кун тартибининг долзарб эканлигини қайд этди.

– Туркий халқларнинг тарихи, илдизи бир, тақдири муштарак. Бу умумий қадриятлар – барчага намуна бўладиган бирдамлигимиз ва абадий дўстлигимиз таянчидир, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Президент сўзларига кўра, Туркий давлатлар ташкилоти бугун халқаро миқёсда нуфузли ва таъсирли тузилмага айланган. Давлат раҳбари Қирғизистон Республикасининг самарали раислиги учун миннатдорчилик билдирди ҳамда навбатдаги раислик муддати Озарбайжонга ўтиши билан ташкилот фаолияти янада юксак босқичга кўтарилишига ишонч билдирди.

Қ. Тўқаев дунё хавфсизлик тизими огир синовларни бошдан кечираётганини таъкидлар экан, туркий давлатлар бундай шароитда ҳамжиҳат бўлиши зарурлигини қайд этди.

– Яқинда Озарбайжон ва Арманистоннинг тинчлик декларациясига имзо чекиши муҳим тарихий воқеадир. Бу барқарорлик ва иқтисодий тараққиёт сари катта қадам бўлди. Бугун туркий давлатлар хавфсизлик ва бар-



қарорликни таъминлашда муҳим куч сифатида эътироф этилмоқда, – деди Президент.

Шунингдек, Давлат раҳбари туркий мамлакатлар ўртасида Киберхавфсизлик кенгашини тузиш таклифини илгари сурди. Унинг сўзларига кўра, бу ташаббус рақамли хавфсизликни таъминлаш ва янги технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Президент рақамли ислохотлар ва сунъий идрок технологияларини ривожлантириш борасида Қозоғистонда амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

– Биз сунъий идрок соҳасида мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйдик. Йил бошидан буён 400 мингдан зиёд талабалар махсус таълим олди. Шунингдек, туркий давлатлар ёшлари учун сунъий идрок бўйича грантлар ажратилган, – деди Давлат раҳбари.

Унинг сўзларига кўра, яқинда Астанада “Alem.AI” сунъий идрок маркази фаолият бошлади. Шу асосда Туркий давлатлар ташкилоти доирасида “Рақамли инновациялар маркази”ни ташкил этиш таклифи илгари сурилди.

Президент энергетика соҳаси ҳамкорлигининг асоси эканини таъкидлади. У Қозоғистон, Ўзбекистон ва Озарбайжон иштирокида амалга оширилаётган “Яшил энергия даҳлизи” лойиҳаси бунинг ёрқин намунаси эканини қайд этди.

Шу билан бирга, Давлат раҳбари сув танқислиги масаласига алоҳида эътибор қаратди.

– Каспий денгизи сатҳининг пасаяётгани барчамизни ташвишга солимоқда. Бу нафақат экология, балки минтақавий иқтисодиёт учун ҳам жиддий таҳдид. Биз бу йўналишда қўшма лойиҳаларни амалга оширишимиз керак, – деди Президент.

Унинг сўзларига кўра, келгуси

йили Қозоғистон БМТ ҳамкорлигида “Барқарор келажақ йўлидаги умумий нуқтаи назар” мавзусида минтақавий саммит ўтказишни режалаштирмоқда.

Қасим-Жўмарт Тўқаев туркий давлатлар ўртасида маданий-гуманитар алоқалар мустаҳкамланётганини таъкидлади.

– Бу йил Ақтау шаҳри Туркий оламнинг маданий пойтахти, Алмати эса ёшлар пойтахти деб эълон қилинди. Келгуси йили Алматида Ижодий-иқтисодий анжуман ўтказишни таклиф қиламиз. Бу ёшларимизга билим ва тажриба алмашиш имконини беради, – деди Президент.

Нутқи якунида Қозоғистон раҳбари барча туркий давлатларни бирдамлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга чақирди.

Саммитда Озарбайжон, Туркия, Ўзбекистон, Қирғизистон, Венгрия, Туркменистон ва Шимолий Кипр раҳбарлари ҳам сўзга чиқдилар.

Балли, бургутчилар!

ҚУШБЕГИЛАРИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНДИ

Kazinform. Мўғулистоннинг Баян-Улгий вилоятида ўтган анъанавий – Бутунжаҳон бургутчилар фестивали доирасида III Осиё қушбегилар чемпионати ўтди.

Қушбегилик бўйича миллий жамоамиз нуфузли мусобақада муносиб иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллади. 36 йилдан буён ўтказилиб келаётган мазкур фестиваль Мўғулистоннинг муҳим маданий рамзи ҳисобланади. У ҳар йили турли мамлакатлардан минглаб сайёҳлар ва маҳоратли қушбегиларни ўзига жалб қилади.



Чемпионатда 60дан зиёд бургутчи иштирок этди.

Таттимбет Қапули ва Арман Қўшқаров Қозоғистон шарафини юксак поғонада ҳимоя қилиб, юртимиз нуфусини яна бир бор оширдилар.

Физика бўйича Нобель мукофоти ғолиблари ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Мукофот Жон Кларк (Буюк Британия/АҚШ), Мишель Деворе (Франция/АҚШ) ва Жон Мартинисга (АҚШ) макроскопик дунёда квант ҳодисаларини кузатиш имконини берувчи инкилобий кашфиётлари учун берилди.

Бунгача физиология ёки тиббиёт бўйича жорий йилги Нобель мукофотида америкалик олимлар Мери Брунков ва Фред Рамсделл ҳамда япон олими Шимон Сакагучи иммунитет тизимининг тананинг ўз ҳужайраларига ҳужум қилишига нима тўсқинлик қилишини кашф этгани учун лойиқ қўрилганди.



Kazinform. Ўтрор туманида 7 октябрь – Жаҳон пахта кун муносабати билан йирик “AQ-DALA” пахтакорлар фестивали ўтди.

Тадбирнинг госяси – минтақада пахтачиликнинг тарихий тараққиёти, ютуқлари ва янги технологиялар қўлланишини атрофлича тарғиб қилиш, шунингдек, “Ишчи касблари йили” доирасида деҳқонларга эътиром кўрсатишдан иборат бўлди.

Тадбир доирасида меҳмонлар учун далаларга саёҳат уюштирилди, қишлоқ ҳўжалиги ва пахтачилик соҳасига оид техника намоиши ҳамда замонавий агротехнологиялар тақдими ўтказилди.

Меҳнат байрамига айланган бу тадбирда Туркистон вилояти

хокими Нуралхан Кўшерев иштирок этиб, пахта терими фидойиларини байрам билан таъриқлади ва соҳадаги энг яхши мутахассисларга мукофотлар тақдим этди.

– Азиз деҳқонлар ва меҳнаткашлар! Сизларни “AQ-DALA” фестивали билан чин қалбимдан қутлайман. Пахта – минтақамизнинг асосий бойлиги, минглаб оилаларнинг тиричиликлари манбаи, тўқимачилик саноати учун муҳим хомашёдир. Бу соҳа фидойилари – юртимиз фахридир. Президентимиз ўз Мактубида қишлоқ ҳўжалигини

ДАЛАСИН ПАХТАГА КОН ЭТАР ДЕҲҚОН

ВИЛОЯТДА – ПАХТАКОРЛАР ФЕСТИВАЛИ



янги босқичга олиб чиқиш, суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш ва замонавий технологияларни жорий этиш вазифасини белгилаб берди. Шу асосда биз энди пахтачилик фақат хомашё сифатида сотмай, балки тайёр маҳсулотга айлантирамиз.

Бугун пахта-тўқимачилик кластери бўйича илк амалий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. “Tugan” махсус иқтисодий минтақасида пахтачиликни қўллаш ва экспортга

йўналтирилган кўп тармоқли ишлаб чиқариш мажмуаси барпо этилмоқда. Яқин келажақда “Made in Turkistan” тамғаси билан ип ва газламалар жаҳон бозорларига чиқарили, – деди хошим.

Нуралхан Кўшеревнинг таъкидлашича, ҳозир вилоятда сармоя жалб этиш тадбирлари изчил давом этмоқда, ҳар бир сармоядор учун қулай муҳит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган.

– Асосий мақсадимиз – меҳ-

наткашларнинг турмуш даражасини юксалтириш, қишлоқ ҳўжалигини янги босқичга олиб чиқишдир. Сизларнинг машаққатли меҳнатингиз туфайли нафақат Туркистон вилояти, балки бутун Қозоғистон “Оқ олтин” билан танилиб, юртимиз иқтисодиётга залворли ҳисса қўшилмоқда. Келинг, замонавий технологиялардан самарали фойдаланиб, пахтачилик соҳасини янада ривожлантиришга биргаликда ҳисса қўшайлик. Байрамингиз муборак бўлсин! – деди хошим.

Байрам тантаналари эстрада юлдузлари иштирокидаги концерт дастури билан якунланди.



2025 йил –
Ишчи
касблари
йили

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Бугунги кунда вилоятда иқтисодий юксалиш ва саноат тараққиётига хизмат қилаётган 20та индустриал минтақа фаолият юритмоқда. Уларнинг умумий майдони 2397,3 гектарни ташкил этади. Бу ерда умумий қиймати 39,5 миллиард тенге бўлган 50та сармоявий лойиҳа амалга оширилиб, натижада, 2609 янги иш ўринлари яратилди.



Шунингдек, келгусида қиймати 112,4 миллиард тенге бўлган 48та сармоявий лойиҳани амалга ошириш орқали 3 812 фуқарони иш билан таъминлаш кўзда тутилмоқда. Мазкур лойиҳалар қурилиш материаллари ва тайёр металл маҳсу-

лотларини ишлаб чиқариш, металлургия, машинасозлик, мебелсозлик ҳамда енгил саноат соҳаларида йўлга қўйилмоқда. Бу ҳақда вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров раислигида ўтган девон мажлисида маълум қилинди.



Йиғилишда ҳоким сармоявий муҳитни янада яхшилаш, сармоядорларга амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан аниқ топшириқлар берди. Вилоят саноат ҳамда индустриал-инновациявий тараққиёт бошқармаси раҳбари вазифасини бажарувчи Қанат Шўнбасовнинг маълумотларига кўра, индустриал минтақаларнинг инфратузилмасини ривожлантириш учун 12,35 миллиард тенге маблағ йўналтирилган. Шу йилнинг биринчи ярмида корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 12,5 млрд тенгени ташкил этди, бюджетга 756,6 млн тенге солиқ тушган. Бугунги кунда индустриал минтақаларда умумий қиймати

78,1 миллиард тенгелик 28та сармоявий лойиҳа амалга оширилмоқда. Улар орқали 2370та иш ўрни яратилди. Мажлисда туман, шаҳарлардаги индустриал минтақаларнинг ҳолати, амалга оширилаётган лойиҳалар атрофлича муҳокама қилинди. Мутасадди раҳбарларга индустриал минтақаларнинг инфратузилма харажатларини ҳисоблаб чиқиш, фаолиятини бошламаган тадбиркорлардан ер участкасини қайтариб олиш, ишлаб чиқариш корхоналарини солиқ органларида рўйхатдан ўтказиш ҳамда янги лойиҳаларнинг сонини кўпайтириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

“ТОЗА ҚОЗОҒИСТОН”: ПОК МУҲИТ – ЖАМОАТ МАДАНИЯТИ КЎЗГУСИ



Вилоятимизда Давлат раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган “Тоza Қозоғистон” дастури давом этмоқда. Ўтган ҳафта мобайнида минтақа бўйича 200дан зиёд ободончилик тадбирлари ўтказилиб, 177 тонна маиший чиқинди маҳсус чиқиндиларга етказилди. Бу масала вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров раҳбарлигида ўтган ҳафталик девон йиғинида муҳокама қилинди.



Тадбирни олиб борган Н. Кўшеров сўзга чиқиб, “Тоza Қозоғистон” экологик тадбири доирасидаги ишлар тизимли ва

самарали ташкил этилиши зарурлигини таъкидлаб, шаҳар ва туман ҳокимларига санитария тозаллигини кучайтириш, рейд-

лар ўтказиш ҳамда ноқонуний чиқиндиларни аниқлаб, уларни бартараф этиш борасида чоралар кўришни топширди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Зулпихар Жўлдасов ўз ҳисоботида дастур доирасида белгиланган режаларнинг бажарилиши доимий назоратда эканлигини таъкидлади. Унинг маълум қилишича, ўтган ҳафтада ташкил этилган “Тоza Қозоғистон” тадбирида 7110 нафар фуқаро иштирок этди. Улар томонидан 1016,1 қақирим дарё соҳиллари тозаланиб, 143 тонна чиқинди чиқарилди. Шу жумладан, йиғилишда иситиш мавсумига тайёргарлик ишлари, “Келажак мактаблари” лойиҳаси доирасида барпо этилаётган янги таълим муассасалари қурилиши муҳокама қилиниб, мутасаддиларга аниқ вазифалар юкланди.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

УСТОЗ – МИЛЛАТ РУҲИНИНГ ШАМЧИРОҒИ

ТУРКИСТОНДА УСТОЗЛАР КУНИ ТАНТАНАЛИ
НИШОНЛАНДИ



Шаҳар маданият уйида ўтган байрам кечаси ўқувчиларнинг «Ўқитувчига хат» номили саҳна кўриниши, куй-қўшиқлари ва бадий ҳаваскорлар ижросидаги рақс ҳамда мусиқий композициялари билан бошланди. Тадбирда устозлар меҳнатига юксак баҳо берилиб, уларнинг жамиятдаги ўрни алоҳида таъкидланди.

Азимбек Пазилбекули бир гуруҳ соҳа илғорларига И. Алтинсарин медали ҳамда маҳсус ташаккурномаларини топшириб, устозларга самимий миннатдорчилик билдирди.

Бугунги кунда Туркистон шаҳрида 88та умумтаълим мактаби фаолият юритмоқда, уларнинг 50таси хусусий таълим муассасаси. Шаҳарда 56 мингга яқин ўқувчи ушбу таълим масканларида таҳсил олмақда.

Шунингдек, 150та мактабгача таълим муассасаси фаолият юритиб, уларда 17 минг бола таълим-тарбия олмақда.

Вилоят минтақавий
алоқа хизмати.

“ОҚ ОЛТИН”НИНГ СИФАТИ – АСОСИЙ МЕЗОН

ПАХТА ЗАВОДЛАРИДА ТАҲЛИЛ ИШЛАРИ ЮРИТИЛДИ

Жетисай туманида пахта терими қизғин паллага кирди. Вилоят ҳокимининг топшириғи, туман ҳокими ташаббуси билан мавсум давомида ишчи гуруҳ ишларни шаффоф ва тизимли олиб бориш мақсадида тузилган. Гуруҳнинг асосий вазифаси пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш жараёнида меҳнаткаш деҳқонлар манфаатларини муҳофаза қилиш, меҳнатни адолатли баҳолашни таъминлаш ҳамда ноқонуний ҳолатларнинг олдини олиш.

Туман ҳокими Серик Мамитов ва туман маслаҳати раиси Медет Алмасбекули ушбу гуруҳнинг фаолиятини назорат қилиш мақсадида бир неча пахта заводларида бўлди. Завод раҳбарлари билан учрашиб, ҳўжаликларга пахтанинг пулини ўз вақтида тў-

лаш, ҳисоб-китобни электрон тизим орқали юритиш, ҳар бир теримчининг меҳнатига муносиб ҳақ тўлашни таъминлаш вазифаси топширилди. Туман ҳудудида жойлашган 7та пахта заводи ва 77та бекатларнинг 53таси Жетисай туманидаги заводлар, қолган

24таси Мақтаарал туманидаги пахта заводлари тасарруфида.

Жорий йилда Жетисай туманида 43,1 минг гектарга пахта экилиб, қузги йиғим-терим ишларига 715та трактор, 897та трактор тиркамалари, 61та дорилаш агрегати ҳамда 222та пахта териш комбайнлари сафарбар қилинган.

Мавсумдаги ҳар бир соат меҳнат, меъёр ва адолат мезони бўлиши керак. Чунки “оқ олтин” юртимиз шаъни ва деҳқон иродасининг рамзидир.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.



»» Президент Мактуби – амал дастури

УСТОЗ МАҚОМИ – ЮКСАК ҚАДР ВА ЭЪТИБОР ИФОДАСИ

Буюк Абай таъкидлаганидек, “Одам боласи бошқалардан ақли, илми, ори ва хулқи билан ўзади. Бундан бошқа нарса билан ус-тунман, деган фикр аҳмоқликдир”. Дарҳақиқат, қайси давр бўлмасин, изланувчан, яхшиликка интилувчан инсон жамиятда доим бир қадам олдинда бўлган. Мамлакатимиз Президентини Қ. Тўқаевнинг Қозоғистон халқига йўлаган жорий йилги Мактубида айнан ушбу мулоҳазаларнинг ёрқин ифодасини ҳис қилдим.



Бугунги илғор технологиялар даврида билимнинг аҳамияти тобора ортмоқда. Шу боис, Давлат раҳбари келгуси уч йилда Қозоғистонни тўлиқ рақамли давлатга айлантиришни стратегик вазифа сифатида белгилаб, бу жараёнда таълим соҳаси алоҳида ўрин тутишини қайд этди. Зеро, ёш авлоднинг билими ва тарбияси – халқ тақдирини белгилайдиган асосий омил ҳисобланади. Мамлакат раҳбари таъкидлаганидек: “Сунъий идрокнинг жадал ривожланиши ҳозирнинг ўзида одамларнинг, айниқса, ёшларнинг хулқ-атвори ва ўзига хослигига кучли таъсир кўрсатмоқда. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Чунки бу жараён бутун инсоният ҳаёти, жаҳон тартиби ва одамларнинг турмуш тарзини доимий равишда ўзгартирмоқда. Биз бунга тайёр бўлишимиз ва қатъий ҳаракат қилишимиз керак. Акс ҳолда, кечикиш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин”.

Шу нуқтаи назардан ҳам мамлакатимизда таълим соҳасида қатор вазифалар кун тартибига қўйилди. Хусусан, мактаб ўқувчилари учун сунъий идрок бўйича ўқув дастурлари ва дарсликлар тайёрлаш, устозларимизнинг СИ технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, масофавий таълим усулларини ривожлантириш масалалари долзарб вазифалар сифатида белгиланди. Ушбу ташаббуслар мамлакатимизда таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш билан бирга, ёшларимизнинг замон талабига мос билим ва малакага эга бўлиб етишишига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг ўқитувчиларнинг Август анжуманида айтган масала – бу устоз мақомига алоҳида эътибор қаратди.

Жумладан, Мамлакат раҳбари ўқитувчиларга ўз вазифасига кирмайдиган ортиқча ишлар юкланмаслигини, ўқувчилар билан мактабдан ташқарида юзага келадиган бахтсиз ҳодисалар учун устозлар масъул эмаслиги қатъий белгилаб берилди. Бу эса ўқитувчилар учун катта руҳий туртки бўлди.

Аслида, устоз мақомини юксалтириш ота-оналарнинг эмас, балки бутун жамиятнинг бурчидир. Зеро, устоз – ёшларимизга йўл-йўриқ кўрсатувчи, ҳаётда тўғри йўналиш танлашга йўл очувчи маънавий раҳнамодир.

Унинг меҳнатини қадрлаш – бу халқнинг келажагига, фарзандлар тақдирига ҳурмат ва масъулиятнинг яққол ифодасидир.

Ғани БУРТАЕВ,
А. Навоий номили умумтаълим мактаби директори.
Озодлик қишлоғи.

ПОРЛОҚ КЕЛАЖАККА ЙЎНАЛИШ



Давлат раҳбарининг жорий йилги Мактуби Янги Қозоғистон сиёсий ислохотларининг янги босқичига йўл очди. Йиллик бош ҳужжатда сармоявий сиёсатни кучайтириш, агро-саноат салоҳиятидан самарали фойдаланиш, транспорт тизимини такомиллаштириш, сув инфратузилмасини янгилаш – иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган аниқ қадамлар сифатида қайд этилди.

Алоҳида эътибор рақамли тараққиёт ва таълим соҳасига қаратилган. Президент ижтимоий соҳаларда йўл қўйилган камчиликларни кескин танқид қилди. Ҳукумат йиллар давомида ижтимоий масъулиятни камайтириб, маблағларни самарасиз лойиҳаларга сарфлаганини таъкидлади. Шу боис, солиқдан тушган ҳар бир танга халқ манфаатига йўналтирилиши ва қатъий назорат қилиниши зарур.

Тиббий ва илмий соҳалар ҳам қуқур ёритилган. Шунингдек, аграр фан ва қишлоқ ҳўжалигини қўллаб-қувватлаш юзасидан янги чоралар мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган. Шу билан бирга, ер қаърининг замонавий харитасини яратиш, иккинчи ва учинчи АЭС қурилишини режалаштириш – хавфсизликни таъминлашда муҳим қадам эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, маданият, ишчи касблари ва хорижий мутахассисларни жалб қилиш каби масалалар жамиятнинг маънавий ва касбий тараққиётига қаратилган. Ишчи касбларининг нуфузини ошириш, хориждан малакали мутахассисларни жалб қилиш – мамлакат тараққиётининг кафолати.

Мактубда экологик хавфсизликка ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу чора-тадбирлар табиий заҳиралардан самарали фойдаланиш ва барқарор тараққиёт учун мўҳимдир.

Дилдора ЭРҒАШЕВА,
Шимкент шаҳридаги,
96-сонли умумтаълим мактаби
муаллимаси.

»» Обуна – 2026

ҚОРАЧИҚ ҚИШЛОҒИДАГИ МАКТАБЛАРДА

Мустақиллик тенгдоши, давлатимиз сиёсатини ўзбек тилида халқимизга етказётган, яна етти ойдан сўнг 35 ёшга тўладиган “Жанубий Қозоғистон” газетасининг 2026 йил биринчи ярмига обунасини ташкил этиш давом этмоқда.

Қорачиқ қишлоғида Ерлан Найзабеков раҳбарлик қилаётган мактабда директорнинг тарбия ишлари бўйича ўринбосари Асадулла Қўшонов ҳамда кутубхона мудираси Гавҳар Аб-



сетова билан суҳбатда бўлдим. Қишлоқдаги янги мактабларга ўқитувчи ва ўқувчилар тақсимланиши боис муштариоларимиз сони бу ерда келажакда 40 нусхани ташкил этади. Барча кутубхоналардаги каби ушбу даргоҳда ҳам бошланғич синфларда дарсликлар етишмайди.



Динара Нусқабаева вақтинча раҳбарлик қилаётган “Турон” мактабида директорнинг тар-

бия ишлари бўйича ўринбосари Зикрулло Маменов, кутубхона мудир ва ходими Зиёвуддин Ёқубов ҳамда Мавжуда Қурбонали қизи билан суҳбатда бўлиб, тахририятнинг обуна ҳақидаги ҳужжатларини тақдим этдим. Анча йил муқаддам ушбу мактаб устозлари шикоят асосида жамоага ойлик маош берилиши негадир олти ойдан-зиёд тўхтаб қолганида мутасадди ташкилотларга мурожаат этиб, амалий кўмак берганим, яқинда эса тахририят ташаббуси билан қишлоқ УЎМБ раҳбари Мирзахон Адхамов етакчилигида фаоллар мактаб номини ўзгартириш ҳақидаги қарорнинг бекор қилинишига эришганимиз ёдимга тушди.

Мактаб биноси капитал таъмирга муҳтож эканлиги муаммоси газетамиз саҳифаларида кўп ёритилди.

Султонмурод Ибрагимов раҳбарлик қилаётган, 448 ўқув-

чи таълим олаётган янги “Қорачиқ М” мактабида ўзбек тили ва адабиёти фанининг тажрибали устози Шарафиддин Шамшиддин ўғли билан обуна, мактабнинг ютуқлари ҳамда кутубхонага бадий китоблар етказиш масаласида суҳбатлашдим. Мактаб жамоаси 25 нусхалик кўрсаткични давом эттиради.



Яссавий номидаги заковат мактабининг янги раҳбари Зоҳир Қурбонов бошчилигида ўқув даргоҳидаги ўқувчилар сони 200га етди. Директор Зоҳир Тойир ўғли келаси ярим йилликдан доимий обуна йўлга қўйиладиганлигини таъкидлади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Қорачиқ қишлоғининг умумтаълим мактабларидаги обуначиларимиз.

Муаллиф тасвирлари.

Эл-юртимизда илм-маърифат, маънавият ва тарбияни ҳаёт мазмунига айлантириб, бутун умрини фидойи меҳнатга бағишлаган зиёли инсонлар бор. Тўлебий туманидаги Ал Форобий номли мактабда устозлик қилиб, жорий йилда нафақага чиққан маърифатпарвар мураббий Махсуда Азим қизи Мирҳақимова ана шундай инсонлар сирасидан.

Унинг исми мактабда ҳам, кенг маънавий-маърифий муҳитда ҳам эҳтиром ва иззат билан тилга олинади. Чунки Махсуда Азим қизи маънавият жонкуяри, ижодкор қалб эгаси, тингловчиларга руҳий завқ бағишлай оладиган моҳир воиз, ҳозиржавоб суҳбатдон.

М. Мирҳақимова устозлик фаолияти давомида болалар қалбида Ватан тақдирига дахлдорлик, миллий ғурур, одоб-ах-

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ЖОНКУЯРИ



лоқ, меҳр-шафқат, сабр-тоқат каби олижаноб фазилатларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратди. Унинг фикрича, “Маънавият – одоб-ахлоқ нуридир”. Ана шу эътиқод билан шогирдларида китобхонликка меҳр уйғотди, миллий қадриятларга ҳурмат руҳини сингдирди, эртаклардан тортиб, Навоий ҳикматларигача бўлган маънавий хазинадан озиқлантирди.

Йиллар давомида олиб борган меҳнати, кўплаб тарбиявий тадбирлар ва ижодий кечалардаги иштироки натижасида шеърини, адабиёт ва маънавиятга муҳаббат мактаб ҳаётининг ажралмас қисмига айланди.

Устознинг «Жанубий Қозоғистон» газетасида чоп этилган мақолаларида ҳам шу руҳни кузатамиз. У мустақилликни “ифтихор ва ғурур манбаи” сифатида талқин қиладди, ёшлар-

ни Ватан тақдирига дахлдор бўлишга, меҳнат ва илм билан бунёдкорликка ҳисса қўишга чорлайди. Унинг қаламидан чиққан ҳар бир сатрда она Ватанга садоқат, ёшларга ишонч ва тарбияга бўлган юксак масъулият акс этади.

Махсуда Мирҳақимова шогирдларига китобнинг аҳамиятини доим уқтиради. Болаларни мутолаага қизиқтириш, уларни мустақил ўқишга рағбатлантириш, бадий асарлардан хулоса чиқаришга ўргатиш устоз фаолиятининг асосий йўналишларидан бири.

Махсуда Азим қизи камтарин ва меҳридарё инсон, ҳаётида фақат меҳнат ва маърифат муҳим. Унинг шогирдлари илм-ли, маънавиятли, юксак орав-интилишлар билан улғайиб, ҳозирда ватанимизнинг турли бурчларида эл-юртга хизмат қилмоқда.

Ёш авлодга таълим ва тарбия беришдаги хизматлари учун туман ва вилоят миқёсидаги турли мутасадди ташкилотлар томонидан фахрий ёрлик ва нуфузли мукофотлар билан тақдирланган.

Ўзбек тили ва адабиётидан сабоқ берган устозим Махсуда Мирҳақимовага чексиз миннатдорчилик билдираман. У киши бизга дарс бериш баробарида ҳаёт сабоқларини ҳам ўргатди. Устозимнинг меҳри ва матонатли меҳнати туфайли китобга, сўзга, она тилимизга муҳаббатим юксалди. Шу улғу байрам – Ўқитувчилар куни муносабати билан устозим ва барча муаллимларимни чин қалбимдан табриклайман.

Санжарбек ЙЎЛЧИБОВЕВ.
Тўлебий тумани.

»» Тулкибош тумани

СПОРТ ЮТУҚЛАРИ – ЮРТ ШАРАФИ

Тулкибош туманида “Менинг ютим – менинг натижам” шиори остида қозоқча кураш бўйича ташкил этилган Тулкибош туманининг очик биринчилигида Озодлик қишлоғидаги А. Навоий номли мактаб ўқувчилари юқори натижаларни кўлга киритишди.

Хусусан, 2011-2013 йилларда туғилган ўсмир йигитлар ўртасида ўтказилган миллий кураш бўйича очик биринчиликда 6-“Б” синф ўқувчиларидан Ж. Ми-

робидов ҳамда Е. Ниёзалиев муносиб иштирок этиб, фахрли 1-ўринни кўлга киритишди. Шунингдек, Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғидан Фурқат номли мактаб футбол майдонида 2015-2016 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасидаги “SAYRAM LIGA” мусобақасида 6-“Б” синф ўқувчиси Р. Фурқатов ўз маҳорати билан ажралиб, “Энг яхши дарвозабон” номинациясига сазовор бўлди.

Ёшларимиз спорт майдонларида юксак чўққиларни забт этаверишларини тилаб қоламиз!



Тулкибош туманидаги А. Навоий номли мактабда вилоят руҳий қўллаб-қувватлаш марказининг ташаббуси билан воёга етмаганлар орасида суицид ҳолатларининг олдини олиш, уларга маънавий-руҳий кўмак бериш мақсадида “Бирга бўлайлик – ҳаётни асрайлик” шиори остида ҳафталик ташкил этилди.



Унинг доирасида “Дўстлик ва қабул қилиш куни” ўтказилди. Унда 2-“А” синф раҳбари Г. Тўребекова ташаббуси билан “Ёрдам сўраш – ожизлик эмас, донолик” мавзuida семинар сабоғи, 9-“Б” синф раҳбари М. Шукуралиева томонидан “Қариндошлик ва мулоқот – ички кучнинг манбаи” мавзuida амалий машғулотлар ташкил этилди. Шу билан бирга, ота-оналар билан очик мулоқот ва маслаҳатлар



“БИРГА БЎЛАЙЛИК – ҲАЁТНИ АСРАЙЛИК”



бериш ҳам йўлга қўйилди. Жумладан, “Бола овози – юрак садоси: тинглай билиш керак”, “Фарзандларингизнинг ҳиссий оламини англаш”, “Яраланган сўзлардан – шиғи берувчи сўзларга” мавзуларида очик эшиклар куни, давра суҳбатлари ўтказилди.

Тадбирда мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича муовини Д. Жўлдибаев, педагог-руҳшунослар К. Усембаева ва Д. Қосимова, ижтимоий педагог М. Мирқодиров ҳамда синф раҳбарлари М. Норметова, С. Худойбергенова ота-она-

ларга фарзандларининг қалбига қулоқ тутиш, бола билан самимий мулоқотда бўлиш, ота-она муҳаббатини амалда намоён этиш борасида тавсиялар беришди. Бундай тадбирлар мактаб жамоаси ва ота-оналар учун фойдали бўлиб, ёшларимизнинг маънавий дунёсида барқарорлик ва соғлом муҳит шаклланишига хизмат қиладди.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК – КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ



Ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва фуқаролик масъулиятини юксалтириш – бугунги кунда жамият тараққиётининг муҳим шартига айланган. Шу мақсадда Тулкибош тумани, Озодлик қишлоғидаги “Туркибасы” умумтаълим мактабида ТПБ МПХ воёга етмаганлар ишлари бўйича участка нозири, полиция капитани А. Бекназаров иштирокида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мавзuida очик мулоқот ўтказилди.

Учрашувда полиция ходими ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва унинг турлари, маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлик ўртасидаги фарқлар ҳақида атрофлича маълумот бериб, ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг оқибатлари ҳақида ҳаётий мисоллар орқали тушунтириш олиб борди.

Шу билан бирга, ёшларга интернет хавфсизлиги, зўравонлик ва ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширилаётган киберзўравонлик зарарли оқибатлари, йўл ҳаракати қондаларига амал қилишнинг аҳамияти ҳақида атрофлича фикр юритилди.



Капитан А. Бекназаров таъкидлаганидек, ҳар бир фуқаро қонунга риоя қилиш, ўз ҳуқуқ ва бурчларини яхши билиш, жамият олдидаги масъулиятни ҳис қилиши зарур. Бу ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш баробарида тинч ва адолатли жамият барпо этишнинг асосий шартидир.

Учрашув ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, қонун устуворлигини англаш ва жамиятнинг масъулиятли фуқароси сифатида камол топиш йўлида самарали ташаббус бўлди.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

Шимкент шаҳридаги А. Пушкин номли кутубхонада тарих ва замон уйғунлашган, сўз ва қалам қадри улғунган байрам тадбири ўтди. Юртимизнинг кўҳна нашрларида бири “Южный Казахстан” газетасининг 100 йиллигига бағишланган “Тарих силсиласи” мавзuidaги учрашув халқни, авлодларни миллатларни яна бир бор бирлаштирди. Бир аср мобайнида халққа хизмат қилиб келаётган отахон нашр бугун 130дан зиёд миллат ва элатларни яқинлаштириб, дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлаб келмоқда.

Учрашувни нашрнинг бош муҳаррири Марина Лимаренко ҳамда Шимкент шаҳар рус драма театри директори Игорь Вербицкийлар олиб боришди. Театр хонандаси Светлана Винокурова ижросида янграган “Ветер перемен” кўшиғи байрамга алоҳида руҳ бахш этди. Ва бу кўшиқнинг янграши ҳам бежиз эмас: тахририят газета тарихига бағишлаб, айнан шу номдаги китобини нашр этиб, кўп йиллик муштариёлари ва фахрий меҳмонларига уни тақдим этди. Тадбирда газета тарихига оид саналар юзасидан викторина саволлари берилди. Голибларга совғалар улашилди, миллатлар дўстлиги рамзи бўлган табриклар янгради. Шимкент шаҳар славян этномаданият бирлашмаси раисаси Наталья Романова раҳбарлигида турли этномаданият бирлашмалари раислари сўзга чиқиб, тахририят фаолиятига муваффақиятлар тилашди, газета билан боғлиқ унутилмас хотираларини ёдга олишди.

Тадбирда тақдирини газета билан боғлаган зиёлилар, турли соҳа арбоблари, таниқли журналистлар, тахририятнинг фахрий хордиқдаги собиқ ходимлари билан учрашиб, ўтмиш саҳифаларига назар ташлашди. Бир асрлик тўйини нишонлаётган газета саҳифаларида Жанубий Қозғоғистоннинг бир асрлик тақдири муҳрланган, қозғоғистонликлар ҳаёти ва қисмати битилган эди. Тадбир иштирокчиларининг эътиборини газета саҳифаларида турли йилларда нашр этилган хабар ва мақолалар ҳамда уларда акс эттирилган фотосуратлар кўргазмаси уюштирилди. Катта авлод вакилларига мансуб журналистлар анчагина суратларнинг олдида кетолмай қолшди. Ўша йиллар ҳамда ёритилган воқеаларнинг тафсилотларини қизгин муҳокама қилишарди. Иштирокчилар газета саҳифаларида тарих, маданият ва халқ овози ифодаланганини мамнуният билан изҳор қилишди.

– Мана бу расмга эътибор беринг, Мунира, – дейди газетанинг устоз журналистлардан Берик Мўнтаев менга юзланиб, – Йиғим-терим пайтида туширилган сурат. Ўша хўжаликка 2-3 кунлаб хизмат сафарига бориб, унинг фаолиятини кенг ёритардик.

– Тахририятга қачон келгансиз? Ёдда қолган воқеалар билан ўртоқлашсангиз, – дейман қизиқиш билан.

– «Южанка» билан танишиш талабик йилларимда бошланган. ҚозДУ журналистика факультетининг 2-босқичида ўқиётган пайтимда амалиётни ўша тахририятда ўтганман. Менга кўп топшириқлар беришарди. Аксарият ҳолларда танқидий мақолаларни ёзардим. Иккинчи танишишимиз сал кейинроқ юз берди. Ленгер туман газетаси «Путь Ильича», «Ильич Жолы» газеталарида ишлаб туриб, «Южанка» ҳам мақолалар йўллаб турардим. Кейин ички ишлар органлари сафида, вилоят телевидениеси, «Утзор» телекомпаниясида ишладим. Шимкент шаҳар ҳокимининг матбуот котиби сифатида фаолият юритдим. А. Урманов, Қ. Избасханов, Т. Бекжигитов сингари ҳокимлар билан фаолият юритдим. Кейин давр талаби билан тадбиркорликка шўнғидим. Зеро, ўша даврларда бу маошга рўзгор тебратиб бўлмасди. Марҳум таниқли журналист Марзия Иман қизи идорамизга келиб, «Қайси соҳада ишланаман, борган жойингизни обод қиласиз», деганларини бот-бот эслайман. У қадар юксак кўрсаткичларни қўлга киритмасам-да, сиёсатда ҳам ўзимни сынаб кўришга аҳд қилдим. Шаҳар маслаҳати депутатлига номзодимни қўйдим. Рақибим руҳан кучли бўлса-да, депутатлик менга насиб этди. Пенсиядан аввал кадрдон соҳам – журналистикага қайтдим. «Южанка»да фаолият юритяман. Нафақага чиқсам ҳам фаолиятимни давом эттирялман. Тўлкибош, Келес туманидаги обуначиларим билан тигиз алоқадаги фаолиятим, нафақадан кейин ҳам мухбирликни давом эттиришга туртки бўлди. Ўша туманлардаги обуначиларимиз муҳарриримизга кўнғироқ қилиб, мухбирлик фаолиятимни давом эттиришимни сўрашдиб, бундан бошим осмонга етди. Журналистга фуқаролар шахсий

“ЮЖНЫЙ КАЗАХСТАН” – БИР АСРЛИК ИЖОД ВА ҲАЁТ ОЙНАСИ



масалаларда ҳам мурожаат қилиб туришади. Уларнинг муаммоларини ижобий ҳал қилишда, уларга ёрдам беришда вақтимни аямайман. Муштариёлар муаммоларини ҳал қилиб берсанг, ишлашда янада руҳланасан. Уй қурилиши масаласи, кўчаларни ёритиш, сув тошқинидаги масалалар буларнинг барчасида инсон тақдири мужассам. Қишлоқ аҳолиси, обуначиларимиз кўнғироқ қилиб, ижобий ҳал этилган масалалар юзасидан

муштариёларига хос ҳолда тақдим этиш. Ва мухбирларимиз бу йўлдан оғишмай фаолият юртишмоқда. Мухими, саҳифаларимизда мамлакатимиз тараққиётига қаратилган муҳим жараёнлар, турли этнос вакилларининг аҳил ва самарали фаолияти изчил ёритиб борилади. Бу эса ўз навбатида наш-



миннатдорчилик изҳор қилиб туришади. Бу қандай бахт! Замонавий журналистика қандай ишлашини у қадар ҳис қилмаслигим мумкин, бироқ ОАВ ходимларини «тўртинчи ҳокимият» деб номлашгани боис ҳам, атрофдагиларнинг муаммолари билан яшаш муҳимлигини шиорга айлантирганмиз.

Марина Лимаренко, «Южный Казахстан» вилоят ижтимоий сиёсий газетасининг муҳаррири:

– Тахририятимизда ҳар бир ходимнинг вазифаси аниқ. Ҳар бир ходимнинг ёзган репортажлари, мақолалари ҳамда хабарларининг газетамиз саҳифаларида ўзига хос ва мос ўрни бор. Мақолаларни жойлаштиришда ҳам дид, ҳам мазмун уйғунлигига эътибор қаратамиз. Ҳар бир саҳифага ўқувчининг эътиборини тортиш лозим. Газетани чоп этишда журналистлардан тортиб, уни обуначиларга етказиб беришга қадар иштирок этаётганларнинг хизмати улкан. Журналистларимиз йиллар мобайнида обуначиларни ўйлантирган масалаларни ёритиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилиб келмоқда. Иқтисодиётимизни юксалтираётган ишбилармонларнинг фаолияти, ҳамюртларимизга янги иш ўринларини яратиб бераётган қозғоғистонликлар ҳам кунимизнинг улкан қаҳрамонларидир. Уларнинг бой тажрибасини саҳифаларимизда акс эттириш ёшларга ўзига хос руҳ, қувват ҳамда илҳом бағишлайди. Бир асрлик тўйини нишонлаётган газетамиз журналистика ташвишларидан энг муҳими ҳаққонийликни янги давр

римизнинг миллатлар дўстлигини мустаҳкамлаш ва юрт тараққиётига хизмат қилаётганини ифода этади.

Салтанат Абдижаппарова, газета муҳбири:

– Вилоятимиздаги йирик корхоналарга таширф буюриб, уларнинг фаолиятини ёритишни хуш кўраман. Айнан ўша корхоналар ҳамюртларимизнинг бандлигини таъминлаб келмоқда. Бошқа ишлаб чиқариш ўринлари ҳам улардан намуна олишга интилишди. Кўп ОАВларда танқидий мақолалар ёритиб борилса, бизнинг газетамизда ижобий руҳдаги амалга оширилаётган ишларга ургу берилади. Тахририятда меҳнат қилаётганимга 22 йилдан ошди. Олий маълумот олиб, фаолиятимни ушбу эмас, балки ҳақиқий ҳаёт мактабига айланади. Улардан илҳомланаман, янги гоёлар олиб, самимий мурожаатлардан куч оламан.

Шомурод Файзиев, газета фотомуҳбири, журналистика соҳаси фахрийси:

– 1993 йили тахририятга қадам қўйганман. Мамлакатимиз оғир иқтисодий синовларни бошидан кечи-



раётган даврлар эди. Чироқ тез-тез ўчиб, шахримизнинг баъзи ҳудудларида газ умуман ўчириб қўйилган, бюджет соҳаси ходимлари ҳам маошларини вақтида олишмасди, пенсия таъминотида ҳам анчагина муаммолар юзага келган давр. Ҳатто кўп қаваатли уйлар тургунлари кўчада ўт ёқиб, таом тайёрлашар эди. Ўша пайтда ҳам журналистлар халқ билан бирга эди, уларнинг ҳаётини ёритар, муҳими, уларда келажакка умид уйғотарди. Бироз йиллардан сўнг вилоятимиз иқтисодий жиҳатдан анча ўзини тиклаб олди. Айниқса, Бердибек Сапарбаев вилоятимизга ҳоким этиб тайинлангандан сўнг аҳоли турмуш шароити анча ўнғиланиб қолди. Биз ўша даврларни халқимизга кўрсатдик, биралликда қандай қилиб, бундай синовли даврлардан чиқиш кевраклиги борасида мутахассислардан, раҳбарлардан суҳбатлар олдик, муштариёларимиз бундай мақолаларни мутлолаа қилиб, миннатдорчилик билдиришарди. Бундай пайтда барча чарчоқлар замида унутилиб кетарди. 27 йиллик фаолиятим давомида кўпгина вилоят раҳбарлари, Шимкент шаҳар ҳокимлари билан ишлаш менга насиб этди. Бироқ меҳнатсевар, ишнинг қўзини биладиган ҳоким сифатида эътироф этилган марҳум Бердибек Машбекули фаолияти хотирамда муҳрланиб қолган. У халқ



билан яқинлиги ва ҳар бир ташаббусида натижага интилиши билан ажралиб турадиган раҳбар эди.

Журналистика соҳаси фахрийси Людмила Орлинская:

– 1997 йили муҳаррир Юрий Кирюхиннинг тақлифига биноан тахририятга ишга кирдим. Тўғриси, «эплай олармиканман» деган шубҳалар билан иш бошладим. Бунга қадар 23-сонли мактабда, кейин эса Педагогика институтида рус тилидан сабоқ берган эдим. Кейин хусусий «48 часов» номли газетасида мухбирлик қилдим. Вилоят газетаси мен учун юксак минбар бўлди. Журналистика соҳасидаги фаолиятим ҳаётимнинг ёрқин йиллари бўлди. «Южанка» – меннинг оилам. 10 йил ишлаб, хусусий газетада фаолиятимни давом эттирдим ва пенсияга қадар вилоят газетасида меҳнат қилдим. Ҳар бир журналистнинг иш тажрибасида унутилмас учрашувлар, ҳодисалар бўлиши, табиий.

Бундай ҳодиса менга бириктирилган Саригоч туманига навбатдаги хизмат сафаримда рўй берган. Жибек жўли қишлоқ округининг ҳокими билан Ўзбекистон чегарасида контрабанда маҳсулотларини ноқонуний олиб ўтишларига қарши қўрилаётган чораларда гувоҳ бўлдик. Ўшанда менинг ҳужжатларимни олиб қўйишган ва автомат тираб, текширувдан ўтказишган. Сумкамдан ўшанда тахририятнинг топшириғи ҳамда журналистлик гувоҳномасини кўрсатиб, қутулиб қолганман. Ой сайин келиб мақолалар ёзиб кетадиган ҳудудда шундай ҳолат юз бераётганидан ҳаммамиз ҳайрон эдик. Кейин билсам, 1999 йил 16 февраль куні Ўзбекистон Президентни И. Каримовча суқасд уюштирилган экан. Сумкамдаги фотоаппаратга тегишмади, раҳбарнинг ёзма топшириғи жонимга оро кирди – чегарачиларга шу етарли бўлди. Уни олиб қўйишганида мақолаларим суратсиз ҳамда жонсиз бўлиб қолиши аниқ эди. Шунга ўхшаш хотирадан ўчмайдиган воқеалар анча бўлган, бироқ бу ҳодиса мен учун тарихий бўлиб қолди. Бу ҳам бўлса, журналистлик касбимнинг менга берган неъматидеб биламан.

Согинган чехралар, ардоқланган устозлар, аллақачон тинган йиллар тўзони ҳақидаги илқ хотиралар... Тадбирда санъат ихлосмандлари, опера хонандалари иштирокида дилга яқин кўшиқлар ижро этилди. Иштирокчиларга мазкур санага бағишлаб, тайёрланган махсус ширинликлар улашилди. Газетанинг ҳар бир сони замон руҳи, халқ овози, кўп миллатли Қозғоғистонга бўлган муҳаббат ифодаси бўлиб қолди. 100 йиллик тарих – фахр. Бизни эса олдиндаги саҳифалар кутмоқда. Улар ҳам меҳнат, илҳом ва ҳақиқат руҳи билан тўлсин!

**М. САЪДУЛЛАЕВА.
С. ИСАМАТОВ суратга олган.**

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ.	Масъул шахслар: <i>Туркистон, Саверон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22</i> <i>Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7701-447-37-42</i> <i>Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90</i> <i>Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7742-144-60-71</i> <i>Жетисай, Мақтарал – Муҳтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97</i> <i>Келес, Саригоч – Малика ЭПТОЕВА. +7702-841-78-82</i> <i>Кентов, Сўзоқ – Рўзиохон МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97</i>	Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулқ эгаси – “Жанубий Қозғоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги. ● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди. КҚ34VРУ00022503 гувоҳнома берилган. “ERNUR-press” МЧБ бошқарувида чоп этилди. Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.	МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават. Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05. <i>Электрон почта: janubiy@inbox.ru</i>
Баш муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхан БҮРҢОНОВЕВ.			Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 10500 нуска.
Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.			Бутунма 2295. Навбатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.